

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САМАДОВ АЛИБЕК ЎКТАМОВИЧ**

**ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИНГ ЎТКИР ДАВРИДА НЕЙРОПРОТЕКТИВ  
ТЕРАПИЯНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 –Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Самадов Алибек Ўктамович**

Ишемик инсультнинг уткир даврида нейропротектив терапияни  
оптималлаштириш..... 3

**Самадов Алибек Уктамович**

Оптимизация нейропротективной терапии ишемического инсульта в остром  
периоде ..... 25

**Samadov Alibek Uktamovich**

Optimization of neuroprotective therapy for ischemic stroke in the acute period.. 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САМАДОВ АЛИБЕК ЎКТАМОВИЧ**

**ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИНГ ЎТКИР ДАВРИДА НЕЙРОПРОТЕКТИВ  
ТЕРАПИЯНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 –Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хайдарова Дилдора Кадировна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мажидова Ёқутхон Набиевна тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

Ўринов Мусо Болтаевич тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


«Ставрополь давлат тиббиёт  
университети» МЗ РФ


Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/13.05.2020.Тиб 93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил « 30 » декабрь (соат 12:30) даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 267 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил « 18 » декабрь кунин тарқатилган.  
(2021 йил « 18 » декабрь даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



 Д.Т. Ходжиева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

 С.С. Пулатов  
Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

 Г.А. Ихтиярова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг талабгорлиги ва долзарблиги.** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотиغا кўра, ўткир ишемик инсулт касаллигида ўлим кўрсаткичи буйича юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Инсулт ҳолатининг қарийб 2/3 қисмини кекса одамларда (60 ёшдан кейин) содир бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида “...ўтган ўн йилликда миядаги қон айланишининг бузилишидан 5 млн дан ортиқ киши вафот этган, омон қолган 15 млн кишининг 80% дан кўпи ногирон бўлиб қолди<sup>1</sup>. Инсулт билан курашиш бўйича миллий ассоциациянинг (ИКМА) статистик маълумотларига кўра, “...инсултдан кейинги оғир ногиронлик даражаси 76% ни ташкил қилади ва ташкилий ва терапевтик тадбирларни оптималлаштириш бўйича барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан сезиларли даражада ўзгармаяпти<sup>2</sup>.

Жаҳонда ушбу касалликни ўтказган беморларнинг 80% дан кўпи меҳнат қилиш қобилиятини турғун йўқотади ва омон қолган беморларнинг атиги 10,2% меҳнат фаолиятига қайтади. 2030 й.га келиб, агар ушбу эпидемия билан курашиш бўйича фаол глобал чора-тадбирлар қўлланилмас экан, бутун дунё бўйича йилига 7,8 млн гача инсултдан ўлим сонининг ўсиши башорат қилинмоқда, шу сабабли ишемик инсултда нейропротектив препаратларнинг ҳар бири мия инфарктидаги патологик жараёнларга таъсир доираси маълум даражада бўлганлиги сабабли, беморларни бир нечта нейротроп воситаларнинг бирикмаси билан даволаш самарадорлигини ўрганиш ҳамда касалликнинг профилактика ва даволаш усулларини такомиллаштириш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан долзарб ва замон талабига мосдир.

Мамлакатимизда неврологик касалликларни эрта аниқлаш, сифатли ташхислаш ва даволаш бўйича кенг қўламли дастурлар амалга оширилмоқда, хусусан, “... асаб тизими касалликларига чалинган беморларга юқори технологияли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва унинг спектрини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни олиб бориш замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади”<sup>3</sup>. Қарор ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимига тиббиётнинг барча соҳаларида замонавий илмий-тадқиқот фаолиятининг ютуқларини фаол жорий этишни назарда тутди. Тавсия этилган даволаш усулларининг қўплигига қарамай, ишемик инсулт мураккаб ва асосан ҳал қилинмаган муаммолигича қолмоқда. Ушбу касалликни даволашнинг янги ва янада самарали усулларига бўлган шошилиш эҳтиёж мавжуд; шунинг учун янги, оптимал усулларни ахтариш мутлақо ўзини оқлайди.

<sup>1</sup> WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

<sup>2</sup> <http://www.nabi.ru/ob-assotsiatsii/>

<sup>3</sup> 20.06.2017й Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантиришга доир чор-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-3071-сонли Фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишемик инсульт ўсиб боровчи тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб, унинг кўлами эпидемиянинг хусусиятларини эгалламоқда (Стаховская Л.В., 2015). Касалланиш кўрсаткичларининг нисбатан барқарор эканлиги ва сўнгги икки ўн йиллик давомида ўлим даражасининг пасайганлигига қарамай инсульт билан боғлиқ меҳнатга лаёқатсизлик ва ўлимни ҳисобга олган ҳолда ҳаёт йиллари сонининг ўсиши кузатилмоқда (Feigin V.L. et al., 2016).

Инсульт билан курашиш бўйича дастурни амалга ошириш, жумладан, нейропротектив терапияни тадбиқ этиш сўнгги йилларда беморларни даволаш ва реабилитациясида сезиларли муваффақиятларга эришишга имкон берди, бу ўлим ва ногиронликнинг пасайиши билан намоён бўлади (Стаховская Л.В., 2017). Ушбу соҳада шубҳасиз эришилган ютуқларга қарамай неврологик танқисликнинг реабилитация тадбирлари самарадорлиги, қисқа ва узоқ муддатли прогнозига, беморларнинг функционал ҳолати ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатиш муаммоси кам аҳамиятли бўлиб қолмайди. Деменция ва инсульт кўпинча бирга кечади, ва ушбу ҳолат ўлимнинг юқори даражада бўлиши, тикланишнинг ёмон кечиши, шифохонага қайта ётқизишлар сонининг ошиши ва иқтисодий харажатларнинг ўсиши билан боғлиқ (Kilburg C. et al., 2017).

Ҳозирги вақтда муаллиф томонидан мия хужайраларининг омон қолиши мақсадида глутамат экспрессиясини камайтириш, ионли каналлар ишини меъёрлаштириш, фосфатидилхолин даражасини тиклаш, арахидон кислотаси ва яллиғланишнинг бошқа медиаторлари даражасини пасайтириш мақсадида қатор чора - тадбирлар амалга оширилаётганлиги кўрсатилган (Суслина З.А., 2016).

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг ҳозирги босқичида асосан глутаматнинг экспрессиясини камайтириш, ион каналларининг функционал ҳолатини нормаллаштириш, имкон қадар мия хужайраларининг омон қолишини таъминлаш учун ишемик инсултларни даволаш терапиясини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда, ва шу билан бирга фосфатидилхолин ва арахидон кислотасининг ҳамда яллиғланишнинг бошқа воситачилари параметрларидаги номуносивбликни бартараф этиш асосий вазифаларимиздан биридир. (Суслина З.А., 2016).

Дори препаратлари нейропротектив таъсирининг самарадорлиги (Афанасьев В.В. ва ҳаммуал., 2011) мия хужайраларининг гипоксия ва ишемияга чидамлилигининг ошишида; хужайравий энергия даражасининг коррекциясида; бош мияда қон айланишининг яхшиланишида; нейронлар ва глиал хужайралар функционал фаоллигининг ошишида; медиаторли дисбаланснинг меъёрлашишида намоён бўлади.

Нейропротектив терапия сифатида ишлатилган дори воситаларидан нимодипин, цитиколлин, пирацетам ва бошқа дори воситалари етарлича натижавийликни намоён эта олмаганлиги аниқланган (Гафуров Б.Г., Хайдаров Н.К., 2019; Маджидова и соавт, 2019-2020; Рахимбаева Г.С. и соавт., 2021; Bekhmetov O.A. et al., 2015). Шунга қарамай, нейропротектив хоссаларга эга препаратлар, алоҳида тадқиқотларда ўзининг самарадорлигини кўрсатиб, ишемик инсультларни даволашда кенг қўлланилади.

Ишемик инсультлар клиник кўринишларининг ифодаланганлигига боғлиқ ҳолда комбинацияланган нейропротектив терапиянинг даволовчи эффектлари шаклланишининг йўллари ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ҳақида далолат беради. Юқорида қайд этилган ҳолатлар ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 03. 2019. PhD 048 «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патология ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** Ишемик инсульт ўткир даврини даволашда ноотроп антиоксидант препаратларини комплексида қўллаш самарадорлигини ўрганиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

ишемик инсульт билан оғриган беморлар клиник-неврологик ва объектив ҳолатини динамикада баҳолаш;

нейропротектив терапиянинг иккита терапевтик схемасини (комбинациялашган ва стандарт) тайинланиш орқали ишемик инсульт ўткир даврдаги жойлашган ўрнига кўра неврологик танқисликнинг динамикасини ўрганиш.

ноотроп ва антиоксидант препаратлар комбинацияси ва стандарт даволаш фонида яллиғланиш жараёнлари кўрсаткичларини (С-реактив оксил ва интерлейкин-6 даражалари) текшириш ва таққослаш;

бош мия қон томирларидаги қон оқимига ноотроп ва антиоксидант препаратлар комбинациясининг натижавийлигини ўрганиш;

комбинацияланган нейропротектив даво фонида ишемик инсультнинг ўткир даври сўнгида беморлар функционал тикланиш даражасини баҳолаш ва таққослаш.

**Тадқиқот объекти бўлиб ҳисобландилар:** ИИ билан оғриган 154 нафар беморларни клиник текшируви ва даво усулларини проспектив таҳлил маълумотлари. Беморлар икки даволаш гуруҳига ажратилди: асосий ва назорат гуруҳи. Асосий гуруҳдаги 85 нафар бемор базис ва комбинацияланган нейропротектив (ноотроп ва антиоксидант) терапияни олдилар. Назорат

гурухидаги 69 нафар бемор эса базис терапияга қўшимча равишда биргина нейропротектив даво усулини олишди.

**Тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланди:** биокимёвий текширувлар учун ИИ билан оғриган беморлар вена қон томиридан олинган ва қон зардоби намуналари, церебрал қон томирлари ўтказувчанлиги, хусусан, экстракраниал, ультратовушли доплерография усули билан, клиник, нейровизуализацион, ультратовушли текширув натижалари.

**Тадқиқот усуллари:** Диссертация ишида клиник-неврологик, нейровизуализация (МРТ), ультратовушли (ТКДГ), клиник-биокимёвий лаборатория усуллари, нейропсихологик текширув, касаллик тарихи ва бошқа текширув усуллари таҳлил қилиш асосида статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

ишемик инсультнинг ўткир даврида ва стандарт терапияда уч нейропротектив (ноотроп ва антиоксидант) препаратларнинг комбинациясини қўллаш самарадорлиги қиёсий жиҳатдан баҳоланди ва исботланди;

ишемик инсультнинг ўткир даврида турли локализацияси ва оғирлик даражасига кўра комбинацияланган нейропротектив терапиянинг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида, қўллашга кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

ўткир ишемик инсультнинг билан оғриган беморларни касалликнинг оғирлик даражаси ва локализациясига қараб комплекс даволашда комбинатциялашган нейропротектив терапияни киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

ишемик инсультнинг ўткир даврини даволашда яллиғланиш ва регенератив жараёнлари ва улар оғишларининг биокимёвий маркерларини ўрганиш аҳамияти исботланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Ишемик инсультнинг ўткир даврида бўлган беморларни даволаш учун комбинацияланган ноотроп ва антиоксидант препаратларини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги исботланди.

Ишемик инсультнинг ўткир даврида беморларни комплекс даволашда ноотроп ва антиоксидант препаратларни биргаликда қўллашни стандарт терапияга киритиш таклиф этилади.

ИИ нинг дастлабки кунларида, яллиғланш жараёнларининг фаоллигини акс эттирувчи маркерлар сифатида, қон зардобиди ИЛ-6 ва СРО ни текшириш мақсадга мувофиқлиги ва ишемик инсультни даволаш жараёнида қўлланилаётган терапиянинг самарадорлиги исботланди.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда фойдаланилган замонавийлиги жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, лаборатор ва статистик усулар билан; тадқиқотда беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан



солиштириш, илмий иш натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиши билан ўз исботини топади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти ишемик инсультни комбинацияланган нейропротектив препаратлар (ноотроп ва антиоксидант) билан даволаш дифференциал терапияни танлаш имконини беради ҳамда беморлар психологик ва жисмоний лаёқатини ошириш, ижтимоий соҳада дезадаптация ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишемик инсульт асорати ривожланишига мойил бўлган беморларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш ҳамда унинг эрта даврида реабилитацион-тикловчи чораларини амалга ошириш, шунгдек ишемик инсультдан кейинги меҳнатга лаёқатсиз кунларнинг камайиши орқали изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши.**

Ишемик инсультни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишемик инсультнинг ўткир даврида комплекс комбинацияланган нейропротектив (ноотроп ва антиоксидант) терапияни ўтказишга имкон берадиган «Ишемик инсультнинг ўткир даврида вертебробазилар хавзада нейропротектив терапияни оптималлаштириш» (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 14.10.2021 йилда тасдиқланган №8н-д/928-сонли хулосаси) номли услубий тавсиянома яратилди. Тадқиқот натижаси ташхисотни такомиллаштириш, даволаш муддатини қисқартириш ва инсульт асоратларининг олдини олишга имкон берган;

Тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг неврология бўлими, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1- клиникаси, Бухоро вилоятининг вилоят кўп тармоқли маркази неврология бўлими, Бухоро шаҳар кўп тармоқли маркази неврология бўлими амалиётга жорий этилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Мазкур тадқиқот натижалари 8та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 халқаро ва 4та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича 17та илмий ишлар чоп этилди: улардан 8 журнал мақолалари, жумладан ЎзР ОАК томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган ЎзР журналларида 6та ва хорижий нашрларда 2та, халқаро иштироки билан Ўзбекистон съезд ва конференцияларида 4, халқаро конференцияларда 4 тезислар, ҳамда 1та ихтиро патенти тавсия этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида “Ишемик инсульт патогенези, диагностикаси ва нейропротекциясини замонавий қарашлари ёритилган Ишемик инсультда нейропротекция ҳолати ва айрим биокимёвий кўрсаткичлари баҳоланган (адабиётлар шархи)” ишемик инсультнинг патогенетик аспектларини замонавий тасаввурлари анализи ва адабиётлар шархининг аналитикаси утказилган. Асосий эътибор нейропротектив терапия принципларига қаратилган. Охириги 10 йил мобайнидаги адабиётлар шархи мавжуд бўлган даволаш усулларини устунлиги ва етишмовчилигини, ҳамда ҳал этилмаган саволлар ва мавжуд булган муоммони ечимини талаб қилади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Беморларнинг клиник характеристикаси ва текширув усуллари»** клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифига бағишланган асосий масала, шунингдек, олинган натижанинг статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Клиник кузатув Бухоро давлат тиббиёт институтининг неврологик касалликлар клиникаси (ректор – профессор Ш.Ж. Тешаев; кафедра мудирини – профессор Ходжиева Д.Т.). Томондан 2018–2020 й. ларда 41-81 ёшда ИИнинг ўткир даври бўлган 154 нафар бемор текширувдан ўтказилди (ўртача ёш -  $60,56 \pm 0,60$  ёш), шулардан 101 нафарини эркаклар, 53 нафарини аёллар ташкил қилган. Кузатувдаги эркакларнинг ўртача ёши  $60,63 \pm 0,77$  ёш, аёлларнинг ўртача ёши –  $60,42 \pm 0,94$  ёшни ташкил қилди.

*Тадқиқотга киритиш мезонлари* бўлиб ҳисобланди: каротид ёки ВБХ да илк бор ИИ юзага келган 80 ёшгача бўлган катта ёшдаги беморлар; касаллик бошлангандан сўнг дастлабки 36 соатда беморнинг шифохонага ётқизилиши; Саломатлик миллий институтининг инсульт шкаласи (National Institutes of Health Stroke Scale, NIHSS) бўйича инсультнинг оғирлик даражаси – 7 дан 20 балл; тадқиқот ўтказишга беморнинг (унинг қонуний вақилининг) розилиги.

*Тадқиқотдан четлатиш мезонлари:* геморрагик инсульт; транзитор ишемик атака; тромболитик терапиянинг олиб борилиши; кўпол сенсор афазия билан ИИ; декомпенсация ёки соматик касалликнинг ўткир фазаси; тасдиқланган онкологик касалликнинг бўлиши; деменция, эпилепсиянинг бўлиши; қўлланиладиган препаратларни қабул қила олмаслик.

Диссертация ишида клиник-неврологик, нейровизуализация (МРТ), ультратовушли (ТКДГ), клиник-биокимёвий лаборатория усуллари, нейропсихологик текшируви кулланилган.

Келган кунда, эркин радикалли ва яллиғланиш жараёнларининг энг кўп фаоллашуви кузатиладиган 5- ва 10- кунларида, люминолга боғлиқ СРО ва ИЛ-6 даражаларини аниқлаш учун периферик вена қон томиридан қон олинади. Қон зардобдаги СРО даражаси иммунотурбидиметрик усул ёрдамида аниқланди. «CRP FS» DiaSys (Германия) реагентлар тўпламидан фойдаланилди. Қон зардобдаги ИЛ-6 концентрацияси ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ ООО “Цитокин” тест тизимидан фойдаланиб “Stat Fax 3200” асбобида иммунофермент усули билан аниқланди.

Оддий рандомизация усули билан беморлар даволашнинг турли схемалари билан икки гуруҳга ажратилди.

Асосий гуруҳдаги 85 нафар беморлар бизис ва комбинацияланган нейропротектив даво муолажаларини қабул қилишган. Ишемик инсультнинг базис терапияси узида артериал қон босимини коррекциялаш, нормоволемиyani мақбуллаштириш, тана харорати ва глекемиya назорати, курсатмага биноан бош мия шишини даволаш ва нутритив куллаб туриш ҳамда антикоагулянт ва антиагрегант препаратларни куллаш. Комбинирланган нейропротектив терапия III ташхиси қуйилгандан сўнг биринчи 15 кун давомида цитиколин 1000 мг хар 12 соатда; холинальфостерат 1000 мг ни физиологик эритмада вена ичига томчилатиб суткасида 1 маҳал; этилметилгидроксисукцинат 200 мг ни суткасига 1 маҳал вена ичига. Касалликнинг 16-кунидан бошлаб касал шифохонадан чиқарилганига қадар цитиколинни таблетка кўринишида кунига 1 таблеткадан х 2 маҳал ҳамда холинальфостерат 500мг 2 маҳал қабул қилишган.

Назорат гуруҳидаги 69 та беморлар асосий гуруҳнинг базис терапиясига ўхшаш бўлган III нинг стандарт давосини, ва стационар даволаниш даврида этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол) ёки церепро билан нейропротектив терапияни олдилар.

Беморларни назорат қилиш давомийлиги ўртача  $21,2 \pm 0,46$  кунни ташкил қилди, бу вақтда неврологик статус динамикаси, баъзи биокимёвий кўрсаткичлар, церебрал гемодинамика ва давонинг кузатилиши мумкин бўлган ножўя таъсирлари баҳоланди.

Натижалар анъанавий вариацион статистика усули билан тиббий-биологик тадқиқотлар учун қўлланиладиган дастурдан фойдаланилган ҳолда персонал компьютерда ишланган. Тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилига асосланган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Шикастланишнинг жойлашуви ва хажмига боғлиқ ҳолда ишемик инсульт билан оғриган текширувдаги беморларнинг дастлабки ҳолати»** ҳақида мълумот ёритилган.

Каротид ҳавзасида ўрта оғирликдаги ИИ (КХ да ИИ) 86 ҳолатда ташхисланган. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий характеристикаси 1-жадвалда келтирилган.

Асосий гуруҳда ўчоқли неврологик симптоматика 100% ҳолатларда геми- ва монопарезлар кўринишидаги ҳаракат бузилишлари, 39 нафар (84,78%) беморларда гипостезия кўринишида сезгирликнинг бузилиши, 22 (47,83%) кузатувларда афатик бузилишлар, 7 (15,22%) ҳолатда неглет, 3 нафар (6,52%) беморларда қарахтлик кўринишида мия симптоматикаси билан характерланди.

НГ да инсульт 100% ҳолатларда ҳаракат бузилишлари геми- ва монопарезлар кўринишида характерланди, сезгирликнинг бузилиши - 27 (67,50%) ҳолатларда кузатилди, афатик бузилишлар - 23 (57,50%) беморларда, экстрапирамидали бузилишлар - 2 (5%) ҳолатда, неглект – 4 (10%) беморларда, қарахтлик кўринишида мия симптоматикаси 1(2,5%) да кузатилди. Бунда шифохонага келганида дағал парез 16 (40%) беморларда, ифодаланган парез – 13 (32,50%) беморларда, 11 (27,50%) ҳолатда ўрта ифодаланган парез кузатилди.

#### 1-жадвал

#### КХ да ўрта оғирликдаги ИИ да асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг характеристикаси

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	НГ
Беморлар сони, n (%)	46 (54,12%)	40 (57,97%)
Эркаклар, n (%)	30 (65,22%)	26 (65%)
Аёллар, n (%)	16 (34,78%)	14 (35%)
Ўртача ёш, ёш, (M±m)	60,9±0,9	60,7±0,8
ИИ нинг туростилари (TOAST мезонларига мувофиқ), n (%)		
Атеротромботик	24 (52,17%)	20 (50%)
Кардиоэмболик	17 (36,96%)	17 (42,5%)
Лакунар	5 (10,87%)	3 (7,5%)
ИИ локализацияси, n (%)		
Ўнг ярим шар	24 (52,17%)	19 (47,5%)
Чап ярим шар	22 (47,83%)	21 (52,5%)
Хавф омилари:		
АГ, n (%)	43 (93,48%)	38 (95%)
Аритмиялар, n (%)	24 (23,17%)	20 (50%)
ЮИК, n (%)	22 (47,83%)	24 (60%)
ПИКС, n (%)	7 (15,22%)	6 (15%)
Қандли диабет, n (%)	7 (15,22%)	2 (5%)
ТВИ (M±m)	28,7±6,2	27,9±5,9
Ортиқча тана вазни (ТВИ 26-30 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	14 (30,43%)	10 (25%)
Семизликнинг 1 даражаси (ТВИ 31-35 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	11 (23,91%)	4 (10%)
Семизликнинг 2 даражаси (ТВИ 36-40 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	2 (4,35%)	6 (15%)
Семизликнинг 3 даражаси (ТВИ >41 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	4 (8,70%)	2 (5%)
Гиперхолестеринемия, n (%)	21 (45,65%)	19 (47,5%)

Кузатувнинг биринчи кунда асосий гуруҳда жинси ва ёшидан қатъий назар СРО даражаси юқори бўлган. ИЛ-6 даражаси шифохонага келганида 65 ёшдан катта бўлган беморлар гуруҳида юқори бўлган – 10,8 [8;12,7] пг/мл, 65 ёшдан кичик беморларда эса – 6,15 [4,35;7,1] пг/мл ни ташкил қилган,  $p=0,005$ .

Ультратовушли текширувда уйқу артерияларининг критик стенозлари асосий гуруҳда 3 ҳолатда ва назорат гуруҳида 2 ҳолатда аниқланди. Назорат гуруҳидаги бир беморда шикастланган ярим шар томонида УУА сининг кинкинги аниқланган.

Шифохонага келганида асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг оғирлик даражаси бир хил бўлган ва NIHSS шкаласи бўйича 10 баллга [7;12], Оргогозо шкаласи бўйича асосий гуруҳда - 60 [40;75], НГ да эса -55 [35;65] баллга баҳоланган, тафовут ишонарсиз бўлган ( $P>0.05$ ).

Оқимининг максимал систолик тезлиги ва юрак цикли учун ўртача тезлигини иккала гуруҳда солиштириш мумкин, бу вақтда диастолик циклнинг охиридаги тезлик, НГ да 16 см/с га қарши, асосий гуруҳдаги беморларда юқори (20,5 см/с) эканлиги аниқ кўринади. Беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда мияда қон оқимининг кўрсаткичларида тафовутлар кузатилди. Шундай қилиб, асосий гуруҳда 65 ёшдан кичик беморлар юрак цикли учун 48,5 [36;55,5] см/с даги ўртача тезлик, 65 ёшдан катталар – 28 [21;36] см/с кўрсаткичларига эга бўлдилар,  $p=0,007$ .

Асосий ва назорат гуруҳларида гиперкапник ( $k^+$ ) юкламада реактивлик коэффиценти мос равишда  $4,6\pm 0,12$  ва  $6,3\pm 0,1$  ни, гипокапник ( $k^-$ ) юкламада эса реактивлик коэффиценти мос равишда –  $22,8\pm 1,4$  ва  $19,8\pm 1,6$  ни ташкил қилди. Шифохонага келганида систолик АҚБ нинг даражаси ва юклама синамалари орасида манфий корреляцион алоқа мавжудлиги айтиб ўтилган. Шундай қилиб, ( $R=-0,59$ ;  $p=0,04$ ) шифохонага келганида систолик АҚБ ва  $k^+$  коэффиценти орасида ўртача тесқари корреляция кузатилган.

Оғир инсульт кўпол ўчоқли неврологик танқислик, мия шиши белгилари, эс-хушининг бузилишида умумий мия симптоматикаси билан намоён бўлади. NIHSS шкаласи бўйича 15 ва ундан юқори балларда баҳоланади. Оғир ИИ 34 ҳолатларда кузатилган. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий характеристикаси 2 жадвалда берилган.

Асосий ва назорат гуруҳларда келганида лаборатор умумклиник ва биокимёвий таҳлил натижалари, шунингдек бош магистрал артериялари ультратовушли текширувининг маълумотлари 3-жадвалда кўрсатилган.

Лейкоцитлар даражасининг биринчи кунда ошиши фаол кечувчи яллиғланиш жараёнининг йўқлигида иккала гуруҳдаги беморларнинг ярмидан кўпида аниқланган. Назорат гуруҳидаги бир нафар бемор аёлда шикастланган ярим шар томонида УУА кинкинги аниқланган.

Шифохонага келганида асосий гуруҳдаги беморларнинг аҳволи NIHSS шкаласи бўйича 17 [15;18] баллларда, назорат гуруҳида – 16 [15;18] баллларда баҳоланди. Оргогозо шкаласи бўйича неврологик танқисликнинг

ифодаланганлиги асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда бир хил бўлган ва 30 [25;35] баллни ташкил қилган.

### 2-жадвал

#### КХ даги оғир даражали ИИ да иккала гуруҳ беморларининг характеристикаси

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	НГ
Беморлар сони, n (%)	22	12
Эркаклар, n (%)	16 (72,73%)	8 (66,67%)
Аёллар, n (%)	6 (27,27%)	4 (33,33%)
Ўртача ёши, ёш, (M±m)	60,23±1,03	60,49±0,98
ИИ нинг туростилари (TOAST мезонларига мувофиқ), n (%)		
Атеротромботик	9 (40,91%)	7 (58,33%)
Кардиоэмболик	13 (59,09%)	5 (41,67%)
ИИ локализацияси, n (%)		
Ўнг ярим шар	10 (45,45%)	4 (33,33%)
Чап ярим шар	12 (54,55%)	8 (66,67%)
Хавф омиллари:		
АГ, n (%)	22 (100%)	11 (91,67%)
Аритмиялар, n (%)	15 (68,18%)	7 (58,33%)
ЮИК, n (%)	13 (59,09%)	4 (33,33%)
ПИКС, n (%)	5 (22,73%)	1 (8,33%)
Қандли диабет, n (%)	6 (27,27%)	3 (25%)
ТВИ (M±m)	31,2±5,6	28,3±5,8
Ортиқча тана вазни (ТВИ >26кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	17 (77,27%)	10 (83,33%)
Гиперхолестеринемия, n (%)	7 (31,82%)	3 (25%)

Асосий гуруҳда СРО ва ИЛ-6 да оғир ИИ нинг энг ўткир даврида мос равишда 55 [7;90] мг/л ва 9,9 [8,2;11,3] пг/мл ни ташкил қилди. Бу вақтда НГ да ИИ нинг энг ўткир даврида СРО 42 [9;76] мг/л, ИЛ-6 – 8,4 [6;13,2] пг/мл ни ташкил қилган.

### 3-жадвал

#### Шифохонага келганида асосий ва назорат гуруҳларида параклиник текширувларнинг натижалари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	НГ
Юқори гематокрит, n (%)	5 (22,73%)	2 (16,67%)
ЭЧТ нинг ошиши, n (%)	10 (45,45%)	4 (33,33%)
Лейкоцитоз > 9,0*10 <sup>9</sup> /л, n (%)	12 (54,55%)	7 (58,33%)
Қандли диабетсиз беморларда гликемия ≥6,0ммоль/л, n (%)	9 (40,91%)	4 (33,33%)
Ички уйку артериясининг диаметри бўйича стенози 70% гача, n (%)	7 (31,82%)	4 (33,33%)
Ички уйку артериясининг диаметри бўйича стенози 70% дан ортиқ, n (%)	5 (22,73%)	1 (8,33%)

Иккала гуруҳдаги беморлар церебрал гемодинамикасининг дастлабки ҳолатлари 4 жадвалда берилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, дастлаб

асосий гуруҳда мия артерияларининг реактивлиги, гиперкапниядагига қараганда, гипокапнияда яхши бўлган.

#### 4-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида УТДГ маълумотлари бўйича КХ даги оғир ИИ да церебрал гемодинамиканинг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	НГ
максимал систолик тезлик, см/с	40 [31;55]	41 [29;58]
диастолик цикл охиридаги тезлик, см/с	14,5 [9;19]	14 [3;14]
юрак цикли учун ўртача тезлик, см/с	28,5 [17;31]	21 [12;26]
k <sup>+</sup> , %	11,6±0,12	12,4±0,17
k <sup>-</sup> , %	0	0,89±0,02

ВБХ да ИИ бўлган 34 нафар беморлар кузатув остида бўлдилар. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий характеристикаси 5 жадвалда берилган. Шунинг таъкидлаш лозимки, НГ да қандли диабетдан азият чекувчи беморлар бўлмаган, ва ЮИК кам учраган.

#### 5-жадвал

#### ВБХ да ИИ бўлган асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий характеристикаси

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	НГ
Беморлар сони, n (%)	17	17
Эркаклар, n (%)	10 (58,82%)	11 (64,71%)
Аёллар, n (%)	7 (41,18%)	6 (35,29%)
Ўртача ёши, ёш, (M±m)	60,5±1,3	60,7±1,0
ИИ нинг туростилари (TOAST мезонларига мувофиқ), n (%)		
Атеротромботик	9 (52,94%)	10 (58,82%)
Кардиоэмболик	4 (23,53%)	2 (11,76%)
Лакунар	4 (23,53%)	3 (17,65%)
Гемодинамик	0	2 (11,76%)
Хавф омиллари:		
АГ, n (%)	17 (100%)	14 (82,35%)
Аритмиялар, n (%)	4 (23,53%)	1 (5,88%)
ЮИК, n (%)	13 (76,47%)	5 (29,41%)
Қандли диабет, n (%)	1 (5,88%)	2 (11,76%)
ТВИ (M±m)	27,4±3,3	28,6±5,3
Ортиқча тана вазни (ТВИ 26-30 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	8 (47,06%)	4 (23,53%)
Семизликнинг 1 даражаси (ТВИ 31-35 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	3 (17,65%)	4 (23,53%)
Семизликнинг 2 даражаси (ТВИ 36-40 кг/м <sup>2</sup> ), n (%)	0	2 (11,76%)
Гиперхолестеринемия, n (%)	14 (82,35%)	8 (47,06%)

Асосий ва назорат гуруҳларида келганида лаборатор умумклиник ва биокимёвий таҳлилларнинг натижалари 6 жадвалда кўрсатилган. Ҳам асосий, ва ҳамда НГ да ЭЧТ ва лейкоцитлар даражасининг ошиши ўзаро корреляцияга эга бўлмади, ва яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги ҳақида далолат бермади.

Бош магистрал артерияларининг УТДГ да асосий гуруҳда умуртка поғонаси артериясининг (УПА) кўзга ташланадиган соҳаларида биронта ҳам ҳолатда гемодинамик аҳамиятга эга бўлган структуравий ўзгаришлар аниқланмади, уйку артериясининг экстракраниал бўлими бўйлаб диаметри бўйича 70% гача бўлган стенозлар 7 (41,18%) ҳолатларда аниқланган. НГ да 1(5,88%) ҳолатдан УПА нинг окклюзияси ва гемодинамик аҳамиятга эга бўлган буралишлар аниқланган; УУА сининг диаметри бўйича 70% гача бўлган стенози 4 (23,53%) нафар беморларда аниқланган.

6-жадвал

**ВБХ да ИИ бўлган асосий ва назорат гуруҳларида лаборатор текширувларнинг натижалари**

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	НГ
Юқори гематокрит, n (%)	3 (17,65%)	3 (17,65%)
ЭЧТ нинг ошиши, n (%)	4 (23,53%)	5 (29,41%)
Лейкоцитоз > 9,0*10 <sup>9</sup> /л, n (%)	7 (41,18%)	8 (47,06%)
Қандли диабетсиз беморларда гликемия ≥6,0ммоль/л, n (%)	4 (23,53%)	7 (41,18%)

Қабул пайтида асосий гуруҳдаги беморларнинг аҳволи NIHSS шкаласи бўйича 9 [6,5;9] балл, назорат гуруҳида – 8,5 [5;9] баллда баҳоланди. НГ даги 1(5,88%) беморда оғир инсульт (NIHSS бўйича 16 балл) қайд этилди; ўрта оғир даражадаги инсульт (NIHSS бўйича 7-14 балл) асосий гуруҳда 13 (76,47%) ҳолатларда ва НГ да 9 (52,94%) ҳолатларда қайд этилди; енгил даражадаги инсульт (NIHSS бўйича 7 баллдан кам) асосий гуруҳда 4 (23,53%) кузатувда ва НГ да 7 (41,18%) кузатувда ташхисланди.

Оригинал шкала бўйича келган вақтида неврологик шкаланинг ифодаланганлиги асосий ва назорат гуруҳларида 40 [39,5;41] баллни ташкил қилди.

КХ да оғир ИИ нинг энг ўткир даврида асосий гуруҳда СРО ва ИЛ-6 даражалари мос равишда 5,8±0,11 мг/л ва 3,9±0,08 пг/мл ни ташкил қилди. Бу вақтда КХ да оғир ИИ нинг энг ўткир даврида НГ да СРО 7,2±0,13 мг/л, ИЛ-6 – 2,4±0,07 пг/мл ни ташкил қилди.

Мия қон томирларининг рекативлигини ўрганишда иккала гуруҳларда гипокапник юкламада (k<sup>-</sup>) реактивлик коэффицентининг бироз ўзгарганлиги қайд этилди. Мия қон томирлари реактивлигининг ёшга доир хусусиятлари кўриб чиқилганида гиперкапник юкламага (k<sup>+</sup>) реактивлик коэффиценти ёшга доир гуруҳларда унчалик фарқ қилмаслиги таъкидланди. Гипокапник юкламага (k<sup>-</sup>) реактивлик коэффиценти дастлаб 65 ёшдан катта шахсларда юкри бўлди (12,4±0,14 – 60 ёшгача, 21,4±0,18 – 65 ёшдан катта).

Шундай қилиб асосий ва назорат гуруҳлари деярли бир хил ва кейинги тадқиқотлар ва комбинацияланган нейропротектив терапиянинг самарадорлигини баҳолаш учун мос келади.

**Диссертациянинг тўртинчи боби «Ишемик инсультда комбинацияланган нейропротектив терапияни қўллаш натижалари»**



комбинацияланган нейротектив терапиянинг самарадорлиги беморларнинг - КХ да ўрта оғирликдаги ИИ (NIHSS шкаласи бўйича 7-14 балл), КХ да оғир ИИ (NIHSS шкаласи бўйича 15 ва ундан ортиқ балл) ва ВБХ да ИИ бўлган уч кичик гуруҳларида ўрганилди.

Иккала гуруҳдаги КХ да ўрта оғирликдаги ИИ беморларнинг кўпчилигида даволаш жараёнида миёда ўчоқли шикастланишнинг симптомлари камайган. NIHSS ва Оргогозо шкалалари бўйича неврологик танқисликнинг регресси 5-кунида ҳам асосий ва ҳамда НГ да, стационарга қабул қилинган кун билан таққослаганда, статистик жиҳатдан юқори аҳамиятга эга бўлди ( $p < 0,005$ ). Даволаш фониди неврологик танқисликнинг регрессида асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги тафовут, асосий гуруҳ ҳисобига, 10- кундан бошлаб, статистик аҳамиятга эга бўлди. Стационардан уйга жавоб бериш пайтида ижобий динамика - NIHSS шкаласи бўйича баллнинг камайиши ва Оргогозо шкаласи бўйича баллнинг кўпайиши – асосий гуруҳда мос равишда 4 [2,5;5] ва 15 [10;27], НГ да - 2 [1;4] ва 10 [0;20] баллни ташкил қилди. Иккала шкала бўйича назорат ва асосий гуруҳлар орасидаги тафовут статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлди:  $p = 0,024$  NIHSS шкаласи учун ва и  $p = 0,03$  Оргогозо шкаласи учун.

НГ да даволаш жараёнида ўчоқли симптоматиканинг ўсиб бориши фониди 3 (7,50%) киши - 58-63 ёшли эркаклар вафот этдилар, омон қолган беморлар орасида 2 (5%) ҳолатда неврологик танқислик ошди, ва 3 (7,50%) ҳолатларда даво терапияси фониди динамика кузатилмади, қолган ҳолатларда (80%) неврологик статуснинг яхшиланганлиги кузатилди. Асосий гуруҳда шифохонага ётқизилганнинг 2-кунида миёда шиши белгиларининг кўпайиб бориши ва дислокацион синдром фониди 65 ёшли 1 (2,17%) бемор аёл вафот этди, қолган беморларда (97,83%) терапиянинг ижобий самараси олинди.

Инсултнинг атеротромботик ва кардиоэмболик патогенетик туриостиларида неврологик бузилишларнинг камайиши асосий ва назорат гуруҳларида тафовутларга эга бўлди. Шундай қилиб, неврологик танқисликнинг регресси NIHSS шкаласи бўйича инсултнинг атеротромботик вариантыда асосий гуруҳда 4,6 [3;5] балл, НГ да - 2 [2;3] баллни ташкил қилди, тахминий кардиоэмболик вариантда эса мос равишда 3,5 [2; 6] ва 2 [0;5] ни ташкил қилди (расм 1).

Бунда атеротромботик инсулт ҳолатида асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди -  $p = 0,01$ . Лакунар инсултда гуруҳлар орасида балллар регрессида тафовутлар аниқланмади.

Омон қолган беморларнинг кундалик фаолиятида атрофдагилардан мустақил бўлиши кузатуви 21 – кунида Бартел индекси бўйича баҳолашда асосий гуруҳда 80 [50;90] баллни, НГ да - 50 [25;85] баллни ташкил қилган. Стационардан уйга жавоб бериш вақтида комбинацияланган нейротектив терапияни олган гуруҳда қарамликнинг енгил ва ўрта даражаси бўлган беморлар, стандарт терапияни олган гуруҳда – ифодаланган ва тўлиқ қарамлик устунлик қилган.



**1-расм . Асосий ва назорат гурухларида КХ да ўрта оғир даражадаги ИИ нинг патогенетик туриостига боғлиқ ҳолда даво охирида NIHSS шкаласи бўйича неврологик танқисликнинг регресси**

Кузатувнинг биринчи кунида асосий гуруҳда СРО нинг юқори даражаси аниқланган, 5-кунида пасайган (НГ билан таққослаганда  $p < 0,001$ ). НГ да, дастлабки даражаси паст бўлишига қарамай, кузатув давомида СРО нинг ўсишга мойиллиги бўлган. Бундай динамика, ИИ да нафақат метаболик, балки яллиғланиш жараёнларига ҳам, нейропротектив терапиянинг ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида далолат бериши мумкин.

Даволаш жараёнида прояллиғланишли цитокин ИЛ-6 нинг ўзгариши асосий гуруҳда СРО динамикаси йўналишига ўхшаш бўлган – дастлабки 10 кун мобайнида ИЛ-6 даражасининг пасайиши кузатилган, бу вақтда назорат гуруҳида 10-кунига келиб кўрсаткичнинг ошиши рўй берган (НГ билан таққослаганда  $p < 0,05$ ).

